

ВИКТОР ВОСТОКОВ



# ШАРҚ

ДАВОЛОВЧИЛАРИНИНГ

# СИРЛАРИ

  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2016

**УЎК: 615.89**

**КБК: 53.59**

**В – 87**

**Востоков, Виктор**

Шарқ даволовчиларининг сирлари. Виктор Востоков. Рус тилидан Юсуф Азимов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 йил. – 432 б.

ISBN 978-9943-27-668-0

Китоб муаллифи Виктор Востоков – ғайриоддий тақдир киши-си. У Тибет ибодатхонасида кўп йил яшаб, лама даражасига етишди. Востоков Шарқ шифокорлиги усулларининг билимдони сифатида катта шуҳрат қозонди ва ўз китобида бу билимларни баҳам кўради.

Китобда касалликлар профилактикаси ва даволашга, шунингдек, тери, сочларни парваришlash ва бошқаларга бағишланган бўлимлар мавжуд.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**УЎК: 615.89**

**КБК: 53.59**

**Рус тилидан  
Юсуф Азимов, Ситора Азимова  
таржимаси**

*Мазкур китобда ташиxis қўйиш ва даволаш кўрсатмалари йўқ. У сизнинг саломатлигингиз ва қувватингизни мустаҳкамловчи, организмдаги номутоносибликларни бартараф этувчи воситага айланади. Китобдаги тавсияларни қўллаш бўйича шифокор билан маслаҳатлашиш зарур.*

ISBN 978-9943-27-668-0

© Виктор Востоков, «Шарқ даволовчиларининг сирлари». «Янги аср авлоди», 2016.

## ҲАҚИҚАТНИНГ АБАДИЙ ОЛОВИ

Эрта ёшлиқдан, мен ўзимни англай бошлаганимданок, ажабланарли, қисқа ва бағоят сиғимли – «Ҳақ рост!» ҳикматли иборасини эслайман. Суҳбатдошларимиздан бирортаси бирор-бир ҳақиқий, ишончли, доно гап айтса, унинг кетидан эътиборли, тушунадиган тингловчилардан шу заҳотиёқ «Ҳақ рост!» – «Ҳақиқатан, ҳақиқатан шундай!» сўзи келади. Бу сўз бирикмаси, тугал фикрга боғлиқ равишда яна ва бошқача «Илоҳим шундай бўлсин! Ҳақиқат рўёбга чиқсин!» деган маънога эга.

Хотирадан узоқлашмаган вақтлардан буён ҳақиқат барқарорлигини таъкидлаб, биз уни излаймиз, унга интиламиз. Лекин ҳақиқат абадийлиқдир. Биз унда яшаймиз, биз ўзимиз унинг мавжуд заррачасимиз. Шунинг учун ҳам «Ҳақ рост!» сўз бирикмаси барча замонлар учун муқаррар қолади. Борлиқда – бу ҳақиқат.

Менга сиз қўлингизда ушлаб турган китобга сўз боши ёзиш таклиф этилганда, яна ўша қадимий сўз бирикмаси устида ўйга толдим.

Замонавий тиббиёт рамзи – илон билан ўралган жом. Лекин нима учун рамз сифатида айнан жом танланган? Манбаи эса ўша жой, бизнинг қадимий аجدодларимизда. Атрофи олтин ва кумуш илон билан ўралган олмос жом – бу Авесто табобатининг дастлабки таомилий ифодасидир.

Олмос жомни икки киши – Хаурватат ва унинг эгизак акаси Амиртат ушлаб туради. Қадимий афсонага мувофиқ Хаурватат – табиатдаги мувозанат ва уйғунликнинг, шифо берувчи ўсимликларнинг ҳомийси. Амиртат абадийликни инъом этади, лекин айтилиши вақтда у алкимёнинг ҳам ҳомийсидир. Абадийлик ичимлиги билан тўлдирилган жом эса – сирли билимлар, Коинот қонунлари, шунингдек, абадий ва ҳар нарсага қодир Ҳақиқат таъсири остида рўй берувчи барча ўзгаришларнинг ифодаси. Кумуш илон – Инсоният шаклланиши ва ривожланиши йўлларининг рамзи; олтин илон – дунёвий эволюция ва уйғунлик рамзи. «Ҳақ рост!» – «Дарҳақиқат, шундай!».

Қадимий Шарқ жоми битмас-туганмас. Ундан ҳозирда ҳам мутафаккирлар, файласуфлар, шифокорлар илм сирларини сипқарадилар. Замонавий тиббиётнинг отаси Гиппократ Аюрведа\* таълимоти қадимги ҳинд, эрон, турон қоҳинларининг ва мажусий руҳонийларининг билимига таянган. Масалан, у кўп хасталикларнинг сабабини юлдузли осмоннинг сирли ўзгаришлари ва ҳаракатида кўрган. Зардуштий қоҳин ва табибларнинг илоҳий билимлари Абу Али ибн Сино таълимоти учун манба бўлиб қолди. Унинг «Тиб қонунлари» кўп жиҳатлари билан коинотда рўй берувчи астрологияга оид ҳодисаларга, уларнинг инсон гормоник ривожланиши билан боғлиқлигига асосланади. Бу ўлмас асарда ой фаза (давр)ларининг инсон ҳолатига таъсири, шифо натижалари турли дори-дармонларни қабул қилиш вақтига боғлиқлиги алоҳида таъкидлаб баён қилинган.

Дарвоқе, Аюрведа таълимотидан нафақат шифокорлик рамзи – илон ўралган жом, балки шифокорларнинг замонавий кийими – оқ халат, қалпоқча, шим ва юзидаги ниқобининг ҳам олинганлигини

эслатиш ортиқча бўлмайди. Атхарванлар – қадимги зардуштий табибларнинг диний маросим кийимлари айнан шундай бўлган. Улар беморларни даволаш ёки маросимлар ўтказилиш вақтида тозалик рамзи сифатида оқликка ўраниб олардилар. Юздаги ниқоб эса уларнинг нафаси муқаддас ижод – ҳар биримизда ёниб турувчи, барча тириклик ва мавжудлик, дунёвийлик ва илоҳийлик манбаи – Оловни булғамаслик учун хизмат қилган.

Авесто\* мероси ва анъаналари – бу нафақат бугунги тиббиётнинг, балки барча динлар, дунёнинг илмий астрологик, фалсафий мактабларининг ҳам асоси (бешиги)дир. Афсонавий Атлантидада туғилган инсониятнинг энг қадимий цивилизацияси Ернинг бу қисми ҳалокатга юз тутгандан кейин Ҳимолай, Тибет тоғлари ёнбағирларига, бугун биз Ўрта Осиё деб атовчи чексиз Турон пасттекикликларининг ялангликларига кўчиб ўтди. Бу ерларда истиқомат қилган инсонлар маданияти билан бирлашиб, янада бойитилиб, бу цивилизация барча учун ягона бўлиб қолди. Ва бунинг асосида биз эндиликда зардуштийлик деб атовчи ўша маданият, ўша анъаналар туғилди. Британиялик таниқли тарихчи Мэри Бойснинг таъкидлашича, зардуштийлик динининг асосчиси Заратуштра асли Амударё даштликларидан, яъни қадимий Хоразмдан бўлган. У ўзининг «Зардуштийлар. Эътиқод ва удумлар» китобида зардуштийлик – дунё билимлари, ваҳийларининг энг қадимийлигини айтади. Ва кўринишдан у инсониятга бевосита ёки билвосита равишда бошқа ҳар қандай эътиқоддан кўра кўпроқ таъсир кўрсатган. Унинг айрим таълимотларидан иудаизм, христианлик, буддизм, ислом, шунингдек, гностицизм\* мазҳабларида фойдаланилган.

Масалан, Авесто таълимотининг асосий қонуни, Коинотнинг одоб-ахлоқ қонуни – ҳар қандай амал,

фикр ва ҳаракатга жавоб бўлган – Карма қонуни учун асос бўлди. Тимсол Айланаси ёки Сансари Ғилдираги\* – инсон моҳиятининг кўп марта туғилиши, бошқача айтганда, руҳнинг кўчиб ўтиши ва абадийлигидир.

Маълумки, Будда таълимотига кўра жисмоний ўлимдан сўнг инсон қалби ўлганлар дунёсига кўчиб ўтади, у ерда қандайдир вақт қолади, кейин эса бошқа танага кўчади, шу тарзда тобора янги имкониятларга эга бўлади.

Улуғ мутафаккир табиб Ибн Сино ёзган эди:

*Вақт хилхонасида қолган таналардан қиёфа  
Энди йўқ улар, ортда қолдирди тақдир бевафо.  
Бироқ қачон ва яна бўлиб шундай, фалак такрор  
Улар фаноси ўтиб, ҳақиқат ҳаётга чорлар.*

Бу ерда мен ўзимнинг Нурмомо бувимдан эшитган узоқ ўтмиш афсонасини эсламасдан иложим йўқ. Афсонага кўра, Руҳитан исмли донишманд коҳин нафақат эсон-омонлик ва бахту саодат, балки мусибат ила касалликлар яширинган сеҳрли самовий юлдузлар туркумидан ерга тушибди. Аллоҳ таоло амри билан у ерликлар орасида уларни касалликлардан фориғ қилиш, ёвузликларни бартираф этиш учун пайдо бўлибди. Авесто таълимотига кўра, ёвузлик инсонлар низо, келишмовчилик, ғазаб, каззоблик, манманлик, очкўзлик, тамагирлик, ичкиликбозлик сингари иллатларга дучор бўлган жойларда тантана қилади. Руҳитан узоқ йиллар инсонларни шу сингари иллатлардан, турли касаллик ва хасталиклар хуружидан халос қилган. Ерлик инсонлар ана шунда хотиржам яшай бошладилар, бетобликлардан халос бўлдилар, танавий ва қалбан софландилар. Лекин вақт ўтиши билан улар

яна димоғланиб кетдилар, лаззатларга берилдилар, улар ўртасида нифоқ ва келишмовчилик авж олди. Ва яхшилиқни билмаганлар атхарван Рухитан улар учун қилган барча яхшилиқ, эзгуликларни ёддан чиқазиб, уни оғир гуноҳларда айблаб, танасини ловуллаб турган оловга ташладилар. Лекин Рухитан руҳи нур сочувчи мавжудотга айланиб, осмонга, Оллоҳ иродаси билан қачонлардир Ерга тушган ўша илоҳий коинотга учиб кетди.

Афсонага кўра, атхарван Рухитан ҳозир ҳам ўша ерда яшайди. Ва ерликлар оғир кулфатда қолганларида, уларни нифоқ, келишмовчиликлар, турли хил иллатлар ва касалликлар енгиб олганда, у инсоний қиёфага кириб, халоскордек пайдо бўлади ва яна инсониятни фалокат ва бахтсизликлардан халос этади.

Мен бу қадимий афсонани фақатгина абадийлик ва инсоний руҳнинг кўчиб юриши ҳақидаги оташпарастлар таълимотининг далилларидан бири эканлиги учун ҳикоя қилганим йўқ.

Тақдир тақозоси билан кўринишидан ерликка ўхшайдиган, лекин анча ғайриоддий инсон билан учрашиб, мен шу афсонани эсладим. Менинг янги танишим ва суҳбатдошим Виктор Востоков ҳам ўз навбатида Рухитан ҳақидаги афсонага ўхшаш воқеани айтиб берди: «Худди зардуштийлик таълимотида бўлгани каби буддизмда ҳам асосий таълимот шундан иборатки, руҳ ўлмайди, у бошқа инсонда намоён бўлади ёки космик онг соҳасига қайтади», – деб таъкидлади Виктор Федорович. Ва унча узоқ бўлмаган ўтмишда Тибетда рўй берган қизиқарли воқеани ҳикоя қилиб берди.

«Тибетнинг ва барча буддийларнинг олий қоҳини Далай-лама XV вафот этганда, будда дини тарқалган ҳамма мамлакатлар бўйлаб ўша онда туғилган барча

чақалоқларни рўйхатга олишни эълон қилишган эди. Тўрт йил ўтгач, айнан ўша гўдаклар устида ўзига хос тажриба ўтказилди. Ҳар бирининг олдида орасида Далай-лама учун ҳам севимли бўлган ўйинчоқлар қўйишибди. Ва болакайлардан бири олий қоҳинга манзур бўлган ўша ўйинчоқни хуш кўриб танлаб қолибди. Бу эса Далай-ламанинг руҳи айнан ўша гўдакнинг тана-сига кўчиб ўтганини билдирарди. Ва Далай-лама XVI бўлиш ҳуқуқи унинг қисматига тушибди».

«Будда фалсафаси тасдиқлайдики, ҳаёт – бу азоб, – деб Виктор Востоков ўз ҳикоясини давом эттиради, бизларнинг ҳар биримиз учта сатҳда туғиламиз, изтироб чекамиз ва қазо қиламиз. Ҳар кимда 3 та: жисмоний (қўл), астрал (нагвал)\* ва менталь (атман)\* тана бор.

Жисмоний тана – бу инсоннинг ёшини яшаб қарийдиган барча анатомияси. Астрал тана – руҳий ҳис-ҳаяжонли сиртқи кўриниш ёки аура. Ҳар қандай тирик борлиқ (мавжудот) нурланувчи сиртга эга. Инсонда у бош атрофида жойлашган. Нурланиш турли рангларда бўлади. Ранг инсон мижозига ва унинг фикрлари рангига боғлиқ. Зангори – яхши фазилат, саховат ранги; мовий – жинсий эҳтирос; қўнғир ранг – ёвузлик, ғазаб; сариқ – устоз, руҳоний рангидир.

Учинчиси – ментал тана – бу руҳнинг, инсоний тафаккурнинг ифодаси. У Ерни ўраб турувчи (Вернадскийга кўда) ионосфера – фикр доираси билан боғланган. Буддизмнинг асосий тезиси (фикри) – руҳ ўлмайди. У умум Идрок қобиғида қолади».

Ҳозирда Тибет лама руҳонийси деб улуғланувчи Виктор Востоков билан роса етти кун мулоқотда бўлиш бахтига муяссар бўлдим. У ўз ҳаёти ҳақидаги, Тибет, Тува ва Мўғулистон монастирларида ўтказган йиллари ҳақидаги тафсилотларини бирданига ошкор



қилгани йўқ. Лекин тинчлантирувчи сирли муסיқа оҳанглари остида ўзида яхши кайфият ҳис қилиб, у бугунги кунга етиб келган ўша қийин ва машаққатли, лекин анча ибратли йўл ҳақида беихтиёр ҳикоя қила бошлади: «Мен ҳам сизга ўхшаш – тўпори ёки, бу ерда айтилишича, қишлоқиман. Мен туғилган жой – Тува қишлоқ деб аталади (туваликлар тили туркий тиллар гуруҳига киради). Бизнинг қишлоқ тайганинг энг овлоқ ерида жойлашган эди. Менинг отам бобом каби ҳарбий бўлган. Урушдан оғир ярадор бўлиб қайтган отам тез орада вафот этди. Эндигина тўрт ёшга тўлганимда эса онам ҳам дунёдан ўтди. Мен етим қолдим, одамлар қўлида яшадим. Бунинг нималигини ўзингиз тушунасан. Бир сўз билан айтганда, етим дегани – етим-да! Етти ёшга тўлмай тайгага, тоққа кетдим. Ёввойи одамдек яшадим, турли егулик ўсимликлар билан озикландим.

Тақдир кимгадир раҳмдил, кимгадир шафқатсиз. Мени у ёввойи ҳайвонлар муҳитига ташлади. Нима қилиш, ўзни қаерга уриш керак? Уларнинг феълени ўрганишга, биргаликдаги ҳаётга мослашишга тўғри келди. Нафақат беозор ҳайвонлар, балки йиртқичлари билан ҳам. Улар билан умумий тил топдим, имо-ишора, алоҳида гавда ҳаракатлари ёрдамида мулоқот қилдим.

Мен ўз вақтида қопқондан қутқарган қуёнлар менга кўпинча йўлда бегоналар кетаётганлиги ҳақида маълум қилишарди. Балки сиз сўрарсиз: «Қандай қилиб?» Мана бундай: олдимга югуриб келишади ва бошларини сўқмоқ томон буришади ва мен тайгада бегона борлиги ҳақида маълумот оламан.

Менинг ҳаётимдаги алоҳида онлар, бевосита табиатнинг ўзи билан мулоқот онлари мана шундай бошланди. Тува ва Саянда эса ажойиб жойлар кўп. Балки

бутун дунёда бундай жойларни топиб бўлмас. Улар цивилизация томонидан тегинилмаган. Келажакда ернинг бу бурчаги худди қўриқхона каби қолдирилса эди.

Мен хилма-хил одамлар билан ҳам мулоқотда бўлганман. Дарбадарлар, дарвеш ламалар билан хушбўй кўк чой ичганман, уларнинг ҳикояларини тинглаганман. Ана шундай қилиб, мен аста-секин Шарқ сирларини англай бошладим.

Ёшим 8 га тўлганда, бу 1955 йилда бўлганди, ламалар мени ўзларининг монастирига олиб кетдилар. Мен болалик соддалиги билан у ерда жаннат бўлса керак, деб ўйлагандим, ҳақиқатда эса ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Менга бўлган муносабат бешафқат эди. Эрта тонгдан кечки шафаққача – оғир, ҳолдан тойдирувчи меҳнат, озик-овқат етарли эмасди. Лекин таассуротлар болаларча эди. Ҳозир эса сизга бу – тартиб-қоида эди, дейман. Монастирларда ҳамма нарса қатъий тартибга бўйсунди. Мен озик-овқат танқис бўлган эди, дедим. Тўйиб овқатланиш инсонни бекорчиликка ундайди. Биз суткада фақат 2 марта – кундузи ва кечкурун овқатланардик. Эрталаб – руҳий ва жисмоний машқлар, медитация\*. Кейин монах шогирдлар тоғларга доривор гиёҳлар излашга йўл олардилар. Ламаларнинг ўзлари монастирда қолиб, атрофдаги қишлоқлардан келиб, уларга ҳар куни мурожаат қилувчи беморларни даволаш билан шуғулланардилар.

Монах шогирдлар ичида нафақат туваликлар ва мўғуллар, балки дунганлар, уйғурлар, олтойликлар, хакаслар ҳам бор эди. Танлов синчиклаб ўтказиларди. Текширув ва синовлардан кейин фақат энг чидамдилар ва асосан етимлар қолдириларди. Чунки етимларда омон қолиш қобилияти анча юқорироқ.

Одатда, европаликлар монастирга қабул қилинмасди, лекин мен гарчанд рус бўлсам ҳам, осие-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4175> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4175> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4175>